

## Баъзи орифларнинг Қуръондан таъсирланишлари



15:10 / 09.06.2019 4100

Зуннун Мисрий раҳимахуллоҳдан ҳикоя қилинади: «Аллоҳнинг Байтини ҳаж қилиш мақсадида йўлга чиқдим. Сафар асносида йўлдан адашдим. Бир пайт йўл устига ташлаб қўйилган кишига кўзим тушди. У шу туришда ўлимни кутиб яшаётгандек эди.

Бориб, салом бердим. Саломимга алик олди. «Ёнингизда туришимни хоҳлайсизми?» деб сўрадим. «Сени нима қиламан?» деди ҳайрон бўлиб. «Сизга суҳбатдош, улфат бўламан» дедим. «Сенда мен учун қанақа улфатлик бор?!» деб сўради. «Агар бемор бўлсангиз, хизматингизда бўламан» дедим. У: «Менга Кифоя қилувчи, Рост сўзловчи, аҳволимни Билувчи Зот бор. Ким Уни Дўст деб билмаса, ундай кимсага бошқа улфат, суҳбатдош, дўст йўқ», деди.

«Менга яхшилик турларидан бирортасини ўргатинг ёки бирор насихат қилинг, эшитиб, амал қилай», дедим. Шунда у бошини кўтариб менга қаради ва: «Эй биродарим! Ўзингни ўз нафсингдан сақла! Қалбингга бирор иллат киришидан эҳтиёт бўл! Агар бир маъсиятни қилмоқчи бўлсанг, бошингни юқорига кўтар! Кимга қарши бўлаётганингни, Кимга журъат қилаётганингни, Кимга қарши уруш бошлаётганингни бил! Аллоҳга исён

қилган кимса, Унга қарши урушган кимса бўлиб қолишини билмайсанми?! Қилиб турган солиҳ амалларингда бардавом бўл! Белингни маҳкам боғла! Сени бу дунёдан кетказилишидан олдин ўзинг Аллоҳ сари юзлан! Жаҳаннам муридларнинг кечаларини бедор қилганини, обидларнинг қалбларини жароҳатлаганини билмайсанми?! У Зот Ўз Китобида уларни мақтаб шундай деган:

نُوعَجَّهَي اَمَلِيْلَلَا نَّمَّالِيْلَق اُونَاك

«Улар кечалари оз ухлар эдилар».

نُورْفَعَتْ سَيِّمُهِ رَاخْ سَاَلِابَو

«Ва улар саҳарларда истиғфор айтар эдилар» (Зарият сураси, 17-18-оятлар).

У ушбу оятларни ўқидию, қичқириб юборди. Шу заҳоти жони узилиб, ерга ётиб қолди. У кишига ўхшаган етук кишини кўрмадим. Аллоҳ раҳматига олсин!»